

К. М. НАРИНСКИЙ

ЯШНАГАН ҚҮРИҚ

(Ўзбекистон меҳнаткашларининг Марказий Фарғонадаги қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш тажрибалари)

ЎЗБЕКИСТОН НАШРИИТИ
Ташкент—1966

Наринский К. М.

Яшнаган қўриқ. (Ўзбекистон меҳнаткашларининг
Марказий Фарғонадаги қўриқ ва бўз ерларни ўз-
лаштириш тажрибалари). Т., «Ўзбекистон».
1965. 60 бет. Тиражи 3000.

Наринский К. М. Преображенная целина.

Коммунизм қурилиши кенг авж олдирилган даврда Ўзбекистон Совет Иттифоқининг асосий пахта базаси бўлиб қолаверади. 1965 йилга келиб Ўзбекистон мамлакатга 3 650 минг тонна, йигирма йилликнинг охирига келиб эса, ҳар йили 7 миллион тонна пахта бериши керак. Ўзбекистонда механизациялаш, химизациялаш ва сугориш асосида қишлоқ хўжалигини интенсификациялаш ҳисобигагина пахтачилик мана шундай тараққий этиши мумкин.

Сугориладиган деҳқончиликни ривожлантириш қишлоқ хўжалигини интенсификациялаш йўлларидан биридир. Ўрта Осиёда қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш сугориладиган деҳқончиликни янада ривожлантиришнинг энг муҳим резерви бўлиб келди ва бундан буён ҳам шундай бўлиб қолади.

Жуда катта массивлардаги сугориладиган ерларнинг ўзлаштирилиши, пахта, шоли ва бошқа экинлардан об-ҳаво шароитининг

Қандай бўлишидан қатъи назар мўл ва бар-қарор ҳосил етиштиришни таъминловчи воситадир.

КПСС Марказий Комитети янги ерларни суғориш тўғрисидаги ленинча ғояларни амалга ошириб ўзининг февраль-март (1954 йил) Пленуми қарорида пахта майдонларини яқин йиллар ичida анча кенгайтириш... зарурлиги-ни кўрсатиб ўтди.

Тажриба ирригация ва суғориш ишларини рижолантиришга капитал маблағлар сарфлашнинг мақсадга мувофиқ ва фойдали эканини кўрсатади. Ирригация, суғориш ва янги ерларни ўзлаштиришга сарфланган маблағлар пахта, шоли ва бошқа қимматли экинлардан олишган ҳосил ҳисобига тезда қопланади.

Бу брошюрада Ўзбекистон меҳнаткашларининг Марказий Фарғонадаги қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштиришдаги курашлари ёритилади.

МАРКАЗИЙ ФАРГОНА ЎТМИШДА

Фарона водийси Ўрта Осиёning шарқдан фарбга қараб 300 километрга, шимолдан жанубга — 150 километрга чўзилган тоғ ўртасида жойлашган катта текисликдир. Ўзбекистон ССР халқ хўжалигида муҳим ўринни эгаллайдиган Сирдарё ҳавзасининг энг йирик ирригация райони ҳам шу ерда.

Асрлар давомида водийининг фақат ярмиси воҳа эди. Фарона водийсининг ўрта ёки марказий қисми 532,4 минг гектар келадиган чўлбиёбондан иборат бўлиб, Марказий Фарона деб аталарди. Лекин, бу ерлар фақат табиат кучлари таъсиридагина эмас, балки бошқа сабабларга кўра ҳам тез яроқсиз бўлиб қоларди. Революциядан олдин маҳаллий феодаллар ва чор мануфактурачилари ўз хўжаликларини фақат водий чеккаларига жойлаштириб, сувдан нотўғри фойдаланиб, бу ерларни боткоқликка айлантириб юбордилар.

Меҳнаткаш халқ асрлар бўйи чўл-биёбларни пахта майдонлари, боғ ва токзорларга айлантиришни орзу қилиб келдилар. Халқ Марказий Фаронани ўзлаштиришга бағишлаб кўп эртаклар тўқиган. Аммо узоқ вақт-

лар давомида инсон кучсиз бўлиб қолаверди. Революциягача Туркистонда прогрессив рус ирригаторлари ва мелиораторлари Марказий Фарғонани ўзлаштириш бўйича қўплаб лойиҳалар ишлаб чиқдилар. Аммо бу лойиҳалар Ўлуғ Октябрь социалистик революциясигача жовоонларда чанг босиб ётди. Туркистонда сурғоришнинг ривожланишига катта ҳисса қўшган, ленинча ГОЭЛРО планини тузишда қатнашган қобилиятли ирригатор — олим Георгий Константинович Ризенкампф (Губенко) бундай деб ёзади:

«Чоризм биз қилган ишнинг аҳамиятини тушунмаган эди. Муваққат ҳукумат ишни бутунлай тўхтатиб қўйди. Биз фақат Октябрь революциясидан сўнггина Туркистонга сув чиқариш ишига ҳақиқий қизиқиш туғилганилиги ни сездик»¹.

Улуғ Октябрь социалистик революциясинг ғалабасидан кейин Фарғона водийсини ҳар томонлама ўзгартириш ишлари ва Марказий Фарғонадаги қўриқ ерларга планли ҳужум бошланиб кетди. Жамият ишлаб чиқарувчи кучларининг ривожланиши учун мисли кўрилмаган эркинлик берган ва қишлоқ хўжалигини қудратли техника билан қуроллантирган Совет социалистик тузуми миллионлаб гектар қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштиришга кенг имкониятлар яратди. Ирригация ленинча электрлаштириш планининг таркибий қисми, мамлакатимизда социализм ва коммунизм моддий-техника базасини қуришнинг муҳим шарти бўлиб қолди.

¹ «Правда Востока» газетаси 17 май, 1963 й.

«Суғориш ҳаммадан ҳам кўпроқ зарурдир ва у ўлкани жуда ўзгартириб яшнатади, ўтмишдаги қолоқликка хотима беради, социализмга ўтиш учун мустаҳкам замин ҳозирлайди»,¹— деб ёзган эди В. И. Ленин Озарбайжон, Грузия, Арманистон, Дөғистон республикасидаги коммунист ўртоқларга.

В. И. Ленин ирригацияни Туркистонда Совет ҳокимияти амалга оширадиган муҳим вазифа деб атади.

Ленинча индустрялаштириш ва қишлоқ хўжалигини колективлаштириш планининг бажарила бориши, инженер-техник кадрларнинг етишиши, колхозларнинг ташкилий хўжалик жиҳатдан мустаҳкамланиши, қишлоқ хўжалик техникаси кўплаб ишлаб чиқарилиши натижасида Фарғона водийсида ҳам ирригация ва сув чиқариш ишларини ривожлантириш учун янада қулайроқ шароит вужудга келтирилди. Мана, биринчи беш йилликлар даврида ҳалқ янги ҳаёт қурилишига актив иштирок этаётган бир даврда Фарғона водийси ҳалқ қурилишлари ватанига айланди. Ўзбекистон компартияси уларга раҳбарлик қилди. 1939 йили биринчи катта ғалаба қўлга киритилди. Ҳалқ қурилиши методи билан 45 кун ичида Катта Фарғона канали қуриб битказилди. Натижада 500 минг гектар фойдаланилаётган ернинг сув шароити яхшиланди ва 100 минг гектар қўриқ ерларга сув чиқарилди.

Улуғ Ватан урушига қадар кенг миқёсда олиб борилган ирригацион қурилишлар Совет Иттифоқининг энг катта пахта макони бўлган

¹ В. И. Ленин. Асалар, 40-том, 200 бет.

Фарғона водийсининг келажакда иқтисодий жиҳатдан ривожланишини таъминлади ва Марказий Фарғона қўриқ ерларини ўзлаштириш учун зарур шароит яратди.

ҚЎРИҚ ЕРЛАРНИ ЎЗЛАШТИРИШ — УМУМХАЛҚ ИШИДИР

КПСС Марказий Комитети сентябрь (1953 йил) Пленуми Марказий Фарғонани ўзлаштиришнинг янги даврини очиб берди. Шу даврдан эътиборан Фарғона даштларига ҳужум бошланди. Марказий Фарғонани ўзлаштириш ҳам Мирзачўлни ва бошқа қўриқ ерларни ўзлаштириш билан бир қаторда Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигини ва айниқса пахтачиликни янада ривожлантиришнинг зарур шарти бўлиб қолди.

Марказий Фарғонани тубдан ўзгартириш йўлларини излаш оммавий ватанпарварлик ҳаракатини вужудга келтирди. Фарғона, Андикон ва Наманган областларининг колхозчилари Марказий Фарғонада фойдаланилмай ётган ерларни бундан кейин суғориш ва ўзлаштириш учун колхозларнинг бўлинмас фондларидан фойдаланишни таклиф қилдилар. Қишлоқ хўжалик меҳнаткашларининг бу ҳаракатида умумхалқ манфаатларини чуқур тушуниш, улардаги алангали совет ватанпарварлик ва юксак коммунистик онглилик туйғулари намоён бўлди. КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети колхозчиларнинг бу ажойиб ташаббусларини маъқулладилар.

Янги ерларнинг колхозчилар бўлинмас фондлари ҳисобига ўзлаштирилиши социалис-

тик ишлаб чиқариш муносабатларининг янада тақомиллашганлигини, социалистик хусусий мулкчилик икки формасининг яқинлашганини ифодаловчи принципиал янги ҳодиса эди.

Партия ва қукуматнинг Марказий Фарғона-ни ўзлаштириш тӯғрисидаги қарорини ўзбек халқи жуда катта қизиқиш билан кутиб олди, бу қарорда ўзининг асрлардан бери қилган орзусининг юзага чиқишини, колхозлар жамоат хўжаликларининг тараққиётини, моддий фаровонлик ва маданиятнинг ўсишини кўрди.

Иrrигация қурилишда техник прогресс, сув хўжалигининг қудратли техника билан қуролланниши натижасида Марказий Фарғона ерлари янада тезроқ ўзлаштирилди.

1953 йилдан бошлаб Марказий Фарғонада ирригация-мелиорация ва қурилиш ишларини йирик «Ферганаводстрой» қурилиш-монтаж трести бажара бошлади. Бу трест қўриқ ерларни ўзлаштиришда ниҳоят катта роль ўйнади.

Марказий Фарғона қўриқ ерларини ўзлаштиришда бутун мамлакат иштирок этди. Бу ерга мамлакатнинг кўпгина иқтисодий районлари — Сибирдан ёғоч, Ленинград ва Арманистандан электр ускуналари Украина ва Белоруссиядан, Татаристон ва Бошқирдистондан, Челябинск ва Брянскдан, Свердловск ва Москвадан, Воронеждан ва Тошкентдан қудратли ер қазиш ва қурилиш техникалари узлуксиз келтириб турилди.

Марказий Фарғонанинг ўзлаштирилиши — халқлар ҳамкорлиги ва ўзаро ёрдамишининг ёрқин намунаси, ленинча миллий сиёсатнинг жонли гувоҳидир. Партия ва ҳукумат Марка-

зий Фарғонани бўйсундирувчиларни замонавий энг янги техника билан таъминлаб турдилар. Агар бу ерда 1953 йилда 38 бульдозер, скрепер ва грейдер, ковшининг умумий ҳажми 26,45 кубометр бўлған 48 экскаватор ишлаган бўлса, 1961 йили — бульдозер, скрепер ва грейдерлар сони 608 тага етди ёки 16 марта кўпайди, экскаватор сони 268, ковшининг умумий ҳажми эса 130,45 кубометрга етди ёки деярли 5 марта кўпайди. Малакали экскаваторчилар, бульдозерчилар, грейдерчилар, қурувчилар ва бошқа мутахассислар тайёрлаш учун 400 кишилик ўқув-техника комбинати очилди.

Фарғонадаги қўриқ ерларни ўзлаштириш учун мамлакатнинг ҳамма томонларидан турли касбдаги мутахассислар: инженерлар, техниклар, ишчилар ва механизаторлар келдилар. «Средволгострой» қурилишидан келган бир группа мутахассислар орасида йирик қурилишларда қатнашиб катта тажриба орттирган Н. Шейченколар, Р. Мкртчян, Ю. Попова, А. Привалов бор эди. Куйбишев ГЭСидан тажрибали экскаватор машинисти Н. С. Толстых, Тахиатошдан — экскаваторчилар Н. И. Сойко, В. А. Наумов, бульдозерчи-скреперчилар С. И. Князев, А. Р. Селемев, Н. П. Батишев ва бошқалар келди.

1953—1954 йилларда Марказий Фарғона қурилишларига олий ўқув юртлари ва техникиумларни битирувчилардан 107 киши, шужумладан, 37 киши ТИИИМСХ дан, 13 киши Москва сув хўжалиги институтидан, 9 киши Киев гидромелиоратив институтидан, шунингдек Тошкентдан, Ленинграддан, Саратовдан,

Омскдан, Еревандан, Ростов ва бошқа шаҳарлардан ёш мутахассислар келдилар.

В. Ф. Шпотин кўпдан бери «Ферганаводстрой» трестининг бош инженери бўлиб ишлаб келмоқда. У техника тараққиёти учун жуда кўп меҳнат сарфлади ва ўз билимини қўшди. Республиkaning энг яхши ирригатор мутахассисларидан Ф. Ш. Шамсутдинов, Ф. Н. Нажимов, А. Ф. Расулов, И. Ф. Федодеев, К. К. Муқумбоев, П. И. Чуров, Д. М. Терситский Фарғона водийсининг сув хўжалиги қурилишларида 30 ва ундан ҳам кўп йиллар мобайнида актив иштирок этиб келмоқдалар.

Ҳаётсиз ва поёнсиз чўлга биринчи бўлиб текширувчилар — топографлар, гидрологлар, тупроқшунослар келдилар. Улар ҳали йўл қурилмаган жазирама иссиқ, қум бўронларига бардош бериб ишладилар, ташналик каби жуда оғир кунларни ўз бошларидан кечирдилар. Уларниң кетидан Марказий Фарғона массивига ирригация-мелиорация тадбирлари комплекси: капитал планлаштириш, суғориш ва қуритиш системаларини қуриш учун сув хўжалиги қурилишининг ишчилари келдилар. Улар колхоз ва совхозлар учун янги ерларга йўл очибгина қолмай, кўчманчи хўжаликларнинг биринчи йили ёқ пахтадан юқори ва барқарор ҳосил олишлари учун ҳам ғамхўрлик қилдилар.

Марказий Фарғона сув хўжалиги қурилишларида йиғма конструкциялар кенг қўлланила бошлади. Қурилиш ташкилотлари 1953—1961 йилларда 253 748 кубометр бетон ва темир-бетон ишларни бажардилар. 1958—1961 йилларда 70 минг кубометрча бутобетон

ишлиари қилинди. Катта Фарғона каналининг кенгайтирилиши янги ерларни муваффақиятли ўзлаштиришга ёрдам қилди. Реконструкция қилингандан кейин унинг сув ўтказиш қобилияти секундига 100 дан 188 кубометрга етказилиб, деярли икки марта оширилди. Шунингдек, Охунбобоев номли канал, Улуғнор канали системаси реконструкция қилинди. Бундан ташқари қисқа вақт ичидаги Фарбий Ёзёвон массивидаги қўриқ ерлардан 18 700 гектарга яқин ерни суғорадиган Хонобод ирмоги, 27 200 гектарни суғорувчи Қизилтепа, Андижон обlastининг Шарқий Ёзёвон массивидаги 17 700 гектарни суғорадиган Саритигун каналлари қуриб битказилди. Шерқўрғон, Шимолий, Пограничний, Дамкўл, Оқолтип, Шимолий Богдод ва бошқа кўплаб йирик коллекторлар қурилди.

Қурувчиларнинг катта колективи қийинчиликлар билан курашда ўсли ва чиниқди. 1962 йил бошида биринчи «Ферганаводстрой» трестида ишловчи ишчилар, инженер-техник ходимлар ва хизматчилар сони 3672 кишига етди.

1961 йили Фарғона водийсида янги қудратли техника билан қуролланган ташкилот — «Андижонводстрой» трести ташкил қилинди. Трест системасида биринчи йилида ёқ 2678 киши, шу жумладан 1182 механизатор, 653 қурувчи, 341 ремонтчи, 502 шофер, 229 инженер техник ходимлар ишлади.

Марказий Фарғона қўриқ ва бўз ерларининг ўзлаштирилиши — ишчилар синфи фидокорона меҳнатининг, коммунизм қурилиши йўлида унинг колхозчи деҳқонларга берган конкрет ёрдамининг ёрқин намунасиdir.

Меҳнат унумдорлигини ошириш ва Марказий Фарғонани ўзлаштириш суръатини жадаллаштириш учун кенг авж олдирилган социалистик мусобақа қурувчиларга ва механизаторларга меҳнатда доимо катта-катта ютуқларни қўлга киритишга ёрдам беради.

Қурилиш ташкилотлари ва бригадаларида социалистик мусобақа оммавий характерга эга бўлиб, доимо янги формалар билан бойитила борди. Ўнлаб бригадалар, юзлаб, механизаторлар коммунистик меҳнат учун кураш ҳаракатига қўшилдилар. Биринчилар қаторида атоқли экскаваторчи С. Бахарев бригадасига коммунистик меҳнат бригадаси деган юксак ном берилди. 1959 йил охирида С. Бахарев ўз экскаватори билан (миллион ҳиссәбига) сўнгги кубометр ерни қазиб чиқарди. Бригада ҳар йили 2—3 йиллик топшириқни бажаради. Бу иноқ, бир мақсад йўлида курашаётган ҳаракатчан оила ҳақиқий коммунистик тарбия мактаби бўлиб қолди. С. Бахарев КПСС XXII съездига юборган хатида бундай деб ёзган эди: «Бригадага коммунистик меҳнат бригадаси деган ном берилди. Етти йиллик топшириқни биз икки ярим йилда бажардик. Партия Программасидан руҳланган бригада аъзолари ҳар йилги топшириқни икки марта ошириб бажариш, ўзининг ўн йиллик ишлаб чиқариш программасини беш йилда тугаллашга қарор қилдилар.

Ишлаб чиқариш илғорларининг кўплари со-биқ колхозчилардан иборат, улар юқори ма-лакали қурувчилардир. Илғор бетончилардан К. Матвалиев, Д. Абдураҳмонов, А. Бозоров ойлик топшириқни мунтазам равишда деярли

икки марта ошириб бажарадилар, аъло дара-
жали шоферлар Собиров, Сулаймонов, Сайд-
метов юк ташиш планларини ҳар доим оши-
риб бажариб жуда кўп ёқилғини тежаб
қолдилар.

Пахтачиликни ривожлантириш ишидаги
катта ва унумли иши ҳамда суғориш ва ирри-
гация иншоотларини қуришга қўшган фидоко-
рона меҳнати учун 300 дан ортиқ киши СССР
орден ва медаллари, Ўзбекистон ССР Олий
Совети Президиумининг Фахрий ёрлиқлари
 билан мукофотландилар. Мукофотланганлар
орасида старший экскаватор машинистлари
Р. Аҳмедов, Б. Волков, тракторчи И. Йўлбар-
сов, бетончи Ж. Аҳмедов, арматурачи В. Аб-
дуллаев, тош терувчи Г. Қазибоева, формов-
шик М. Жалтиров ва бошқалар бор.

«Андижанводстрой» трестининг СМУ-2 қу-
рилиш монтаж бошқармаси колективи катта
ютуқларни қўлга киритдилар, улар кейинги
йилларда 14470 гектар қўриқ ерни ўзлаштир-
дилар. Бу катта ва иноқ коллектив коммунистик
меҳнат колективи деган ном учун кураш-
моқда. 34 бригада ҳозирдаёқ бу юксак номга
сазовор бўлдилар, 96 илғор механизаторларга,
слесарларга, бетончиларга коммунистик меҳ-
нат зарборлари деган ном берилди. Комму-
нистик меҳнат учун курашнинг олдинги саф-
ларида коммунистлар бормоқда.

Марказий Фарғонани ўзлаштириш мисолида
ишчилар синфининг қишлоқ хўжалигини юк-
салтиришдаги, колхозчи деҳқонлар билан
иттифоқни мустаҳкамлашдаги, коммунизмни
муваффақиятли қуриш ишидаги ниҳоятда
катта роли айниқса яққол намоён бўлади.

ҚИШЛОҚ ВАТАНПАРВАРЛАРИ ҲИССАСИ

Қўриқ массивларда ирригация қурилишлари, сув чиқариш билан у ерларни ўзлаштириш ўртасида катта узилиш йўқ эди. Унумсиз қўриқ ерлардан мўл ҳосил олиш мақсадида бу ерларга қурувчилар кетидан колхозчилар келдилар. Қўриқ ерларни бўйсундирувчилар ҳаракати авж олиб кетди.

Юзлаб меҳнаткашлар янги ерларни ўзлаштириш истагини билдирилар. Улар ичида айниқса ёш йигит-қизлар кўп эди. Республика комсомоли, Ўзбекистонда янги ерларни ўзлаштириш ишларини оталикка олди. Партия ташкилотлари бу фахрли вазифани бажаришга комсомол фаолиятини мунтазам равишда йўллаб турди.

Охунбобоев районидаги «Коммунизм» колхозининг комсомоллари ажойиб ташабbus кўрсатдилар. 35 комсомол аъзоси комсомоллар мажлисида КПСС Марказий Комитети сентябрь Пленуми қарорига жавобан Марказий Фарғонанинг янги ерларини ўзлаштириш иштиёқини билдирилар. Улар бир неча ой давомида ўз кучлари билан 50 гектар янги ерни ўзлаштирилар. 1954 йил бошида Фарғона обlastининг 1700 комсомол аъзоси янги ерларни ўзлаштиришда қатнашди. КПСС Марказий Комитетининг 1954 йил февраль-март Пленумидан кейин уларнинг сони ҳам, иши ҳам қўпайди. Фақат Фарғона обlastи комсомоллари ва ёшларининг кучи билан бир неча йил ичида 4649 гектар ер ўзлаштирилди.

Марказий Фарғонани муваффақиятли ўзлаштиришда, КПСС Марказий Комитети

сентябрь Пленуми қарорларини амалга оширишда 1954 йили Тошкентда ўтказилган пахта-корлар кенгашининг аҳамияти жуда каттадир.

Қишлоқ хўжалигига раҳбарлик қилишдаги жиддий камчиликларни очиб ташлаб, кенгаш пахтага ишлов беришнинг прогрессив усулларини кенг жорий қилиш, сугориладиган ерлардан яхшироқ фойдаланиш чораларини кўрди. Пахтачиликдаги янги, илгор ишлар Марказий Фарғонада ҳам кенг тарқалди.

1957 йил бошида Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ишчиларни, колхозчиларни, қишлоқ ҳамда сув хўжалиги, фан ва маданият ходимларини, Ўзбекистоннинг барча меҳнаткашларини Марказий Фарғонага бориш ва қўриқ ерларни ўзлаштиришда ҳамда бу ерни Совет Иттифоқининг йирик пахта базасига айлантиришга бевосита иштирок этишга чақириб мурожаат қилдилар. «Ҳаёт шуни кўрсадики,— дейилади Мурожаатда,— колхозчиларнинг бўлинмас фондлари ҳисобига қўриқ ерларни пахта етиштириш учун ўзлаштириш оғир, аммо Ватан учун сўзсиз фойдали, иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ ишдир. Сарфланган маблағ ва меҳнат ортиғи билан қопланади.

Чақириққа жавобан Марказий Фарғонага Ўзбекистоннинг ва Совет Иттифоқидаги қардош республикаларнинг кўп район, шаҳарларидан минглаб ватанпарварлар келдилар.

КПСС XXII съезди қарорлари ва партияниң янги коммунизм қурилиши программасининг қабул қилиниши алоҳида меҳнат, сиёсий ва

ватанпарварлик ғайратпни қучайтириб юборди. КПСС XXII съездидан кейин Марказий Фарғона қўриқ ерларини ўзлаштириш суръатини жадаллаштириш учун ватанпарварлик ҳаракатининг янги даври — қўриқ ерга ҳужум бошланди.

КПСС XXII съезди тарихий қарорлариға амалий иш билан жавоб бериб республиканинг таниқли механизатори, коммунист, XXII съезди делегати ва СССР Олий Советининг депутати Манноп Жалолов меҳнатга юқори иш ҳақи оладиган илфор трактор-далачилик бригадасидан Марказий Фарғонанинг кам ўзлаштирилган Ленин районидаги XX партсъезд номли колхознинг қолоқ бригадасига, уни илфорлар даражасига кўтариш мақсадида ўтди.

Бригадага ажратилган ерлардан фақат 10 центнердан ҳосил олинар эди. Жасур чўл қуварлар бир йил ичиди ҳар гектаридан 25 центнердан биринчи сорт пахта етиштириш мажбуриятини олдилар. М. Жалолов, механизаторлар Қ. Абдураҳмонов, Т. Қўзибоев, И. Маҳмудов, Ў. Йўлдошевлардан иборат республика қишлоқ хўжалигидаги биринчи коммунистик меҳнат бригадаси қўриқ ерга жўнаб кетди. Пахтациликни янада ривожлантириш ва Марказий Фарғонани тезроқ ўзлаштириш ғамхўрлиги билан сугорилган М. Жалолов ва унинг ўртоқларининг ватанпарварлик хатти-ҳаракатлари меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш намунасидир. Ватанпарварларнинг бу ишини Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети маъқуллади. Янги ватанпарварлик ташаббуси ўзининг ~~милиларни издошларни~~

топди. Биргина Ҳолдевонбек районида 25 комсомол-ёшлар бригадалари тузилиб, улар Марказий Фарғонанинг янги ўзлаштирилаётган ерларига жўнаб кетдилар. Район комсомол комитетининг биринчи секретари Т. Ҳожиқосимова Олтинкўл районининг комсомоллари билан бирга қўриқ ерлардаги «Янги турмуш» колхозида ишлашга қарор қилди. Колхозчилар уни колхозга раис қилиб сайдилар. Бу ишда у ўзининг катта ташкилотчилик қобилиятини, матонатини, иродга кучини кўрсатди.

Қўриқ ердаги янги колхозда Т. Ҳожиқосимова билан бирга коммунист ва комсомоллар — агроном М. Абдувалиев, инженер К. Тожибоев, звено бошлиқлари А. Иброҳимов, С. Бойтўраев, Р. Тўрақулов ва бошқалар ишлайди. Ўз устига олган вазифани шараф билан бажариш йўлида бор кучларини аямай меҳнат қилмоқдалар.

М. Жалоловнинг ватанпарварлик ташаббуси комсомол-ёшларнииг йўлларини машъалдек ёритди, уларда халқ баҳт-саодати учун, коммунизм қурилиши программасини амалга ошириш учун мумкин қадар кўпроқ иш қилишга интилиш туйғусини ўйғотди. Фарғона водийсида партия чақиригини қўллаб-қувватламаган биронта ҳам район йўқ. Қисқа вақт ичиди М. Жалолов бошлаган ишга 8 мингдан кўпроқ ватанпарварлар қўшилди.

Андижон область Марҳамат район Свердловномли ўрта мактабни битирувчиларнинг ҳаммаси Мирзачўлга ишга боришга қарор қилдилар. Улар Ўзбекистондаги ўрта мактабни битирувчи барча ўқувчиларга мурожаат қилдилар:

«Биз бутун синфимиз билан Мирзачўлда янги ерларни ўзлаштиришга қарор қилдик. Қўриқ-даштлар унга ўз билимини, ўз куч-қудратини меҳнатда чиниқсан қўлларини берадиган кишиларнинг янги мададларини кутмоқда. Биз Мирзачўлни, Марказий Фарғонани, Қарши чўлларини тубдан ўзгарираётган комсомоллар, йигит-қизлар изидан борамиз. Мирзачўл баҳодирлари — Қ. Абдураззоқов, И. Охунова, Марказий Фарғона қаҳрамонлари М. Жалолов, ҳамشاҳарларимиз М. Жумабоева ва М. Дадажоновларнинг фидокорона меҳнатлари бизларни руҳлантиради. Биз улардан коммунистчасига яшаш ва ишлашни ўрганимиз»¹.

Ўзбекистон Коммунистлар партияси Марказий Комитети ўрта мактабни битиравчиларнинг ташаббусини маъқуллади. Марказий Комитетнинг қарорида таъкидланадики, Марҳамат райони ўқувчиларининг ташаббуси ёшларда Ватан баҳт-саодати учун меҳнат қилиш муҳаббатини уйғотишда жуда катта роль ўйнайди. М. Жалолов ва унинг издошлиарининг янги ватанпарварлик ҳаракатининг характерли хусусияти—комплекс механизациялаш учун курашдан иборатdir. Улар ўз олдига биринчи навбатда далаларни ишлашда оғир қўл меҳнатини сиқиб чиқариб сугориладиган ҳар гектар ердан максимал даражада фойдаланиш ва пўлат машиналарга таянган ҳолда яна ҳам мамлакатга кўпроқ арzon пахта, шоли ва бошқа маҳсулотлар етиштириб беришни мақсад қилиб қўйдилар.

¹ «Правда Востока» газетаси, 29 октябрь, 1961 й.

Орадан бир йил ўтгач, якун ясалди. Натижа М. Жалолов бригадаси ўз устига олган мажбуриятни шараф билан бажарганигини кўрсатди. Бригада камсувлик каби оғир шароитда шўр тупроқли ерларда 115 гектарнинг ҳар гектаридан 26,1 центнердап пахта олди. М. Жалолов меҳнатга коммунистик муносабатда бўлишнинг юксак намунасини кўрсатди. Комбайн билан 150 тонна пахта териб, у октябрь ойидаёқ Самарқанд области пахтакорларига ёрдам бериш учун жўнади. У ерда ўзининг амалий тажрибасипи механизаторларга ўргатиб, муваффақиятли меҳнат қилди.

КПСС XXII съездидан кейин кенг қулоч ёйган янги ватанпарварлик ҳаракати Марказий Фарғонани муваффақиятли ўзлаштиришнинг ва республикада пахтачилик ва ғаллачиликни янада ривожлантиришнинг энг муҳим факторидир.

КОЛХОЗЛАРАРО СОВЕТ — ҚУРИҚ ЕРЛАРНИ ЎЗЛАШТИРИШДА КОЛХОЗЛАР ИШТИРОҚИННИНГ ЯНГИ ФОРМАСИДИР

Коммунизм томон илгарилаб борган сари ишлаб чиқарувчи кучларнинг ўсиши билан бирга колхозлараро ишлаб чиқариш алоқалири ҳам ривожлана беради. Бундан буён бу хўжаликларни умумлаштириш процесси, КПСС Программасида ёзилганидек,— айrim колхозлар билан чекланиб қолмайди. Жамоат бойлиги тобора ўсиб борган сари колхозлар умумхалқ фойдаланадиган корхоналар ва маданий-маиший муассасаларни яратишда иштирок этибгина қолмай, қўриқ ерларни биргалашиб ўзлаштиришда ҳам қатнашадилар. Бундай

ўзаро алоқадорлик колхоз-кооператив мулкига кўпроқ умумийлик хусусиятини беради.

Марказий Фарғона каби кенг масштабда янги ерларни ўзлаштиришга киришган Совет Иттифоқида 1953 йили биринчи колхозлараро ташкилот тузилди. Колхозлар бўлинмас фондларининг маблагларидан фойдаланиб ирригация қурилишларига раҳбарлик қилиш бу давргача фақат давлат органлари томонидан амалга оширилар эди.

Марказий Фарғона объектларининг қурилиш ишларини ташкил қилишда, меҳнаткашларни сафарбар этишда сув хўжалиги қурилиши бўйича Колхозлараро Совет муҳим роль ўйнади. Унинг биринчи мажлиси 1953 йил 1 марта Фарғона шаҳарида ўтказилди. Мажлис Марказий Фарғонани ўзлаштириш бўйича колхозлараро Совет составини сайлади. 1953—1959 йилларда колхозлараро Советга Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг раиси ўртоқ Ш. Р. Рашидов раҳбарлик қилди. 1959 йили колхозлараро Советнинг раиси қилиб Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг раиси ўртоқ Я. С. Насриддинова сайланди.

Колхозлараро Совет составида колхоз ишлаб чиқаришининг донгдор ташкилотчиларидан Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари Бакиров, Соиббоев ва Абдураззоқов ўртоқлар бор эди. Советнинг ишчи аппаратига бошқа ишдан озод қилинган колхозлараро Совет раисининг муовини К. К. Муқумбоев, Совет аъзоси П. И. Чуров ва кейинроқ А. П. Шанько раҳбарлик қилдилар.

Колхозларнинг жамоат маблағи ҳисобига Марказий Фарғонанинг янги ерларини

ўзлаштириш ва колхозлараро Советнинг тузилиши Узбекистонда ирригация қурилишида ҳалқ ҳаракатининг янги даври ҳисобланади. Улар қабул қилган низом кенг ва демократик колхозлараро ташкилот тузилганинидан далолат берар эди. Колхозлараро Совет янги ерларни ўзлаштиришда қатнашувчи Фарғона водийсидаги колхозларнинг вакилларидан, шунингдек партия, совет ва жамоат ташкилотлари вакилларидан ташкил топган эди.

Марказий Фарғонани сугориш ва ўзлаштириш ишларини пул билан таъминлашда колхозларнинг бўлинмас фондлари, давлат бюджети ва қишлоқ хўжалик кредитини бирлаштириб мана шу уч манбанинг маблагидан фойдаланилди. Ўн йил ичida (1953—1963) давлат ва Фарғона, Андижон областларининг колхозлари қўриқ ерларни ўзлаштиришга 107,1 миллион сўм сарфладилар.

1964 йили давлат колхозларни капитал ишлар бўйича давлат плани асосида амалга ошириладиган сув хўжалик қурилишларида ўз ҳиссасини қўшиш билан иштирок этишдан озод қилди. Бу республикада ва Фарғона водийсида қишлоқ хўжалигини янада ривожлантиришда, Марказий Фарғона водийсида қишлоқ хўжалигини янада ривожлантиришда, Марказий Фарғонанинг барча ерларини ўзлаштиришни муваффақиятли тугаллашда жуда катта аҳамиятга эгадир, чунки бу колхозларга янги ерларни ўзлаштиришга, колхозлараро ва ички хўжалик ирригация-мелиорация системаларини кенгайтириш ва такомиллаштиришга кўпроқ куч ва маблағ йўллашга имкон беради. Колхозлар келгусида ўз маблағларини

магистрал йўллар, ишлаб чиқариш бинолари турар жойлар ва маданий-маший хизмат кўрсатиш обьектлари қурилишларига сарфлайдилар. Бунинг учун колхозлар 50 миллион сўмдан кўп маблағ сарфлашни мўлжаллайдилар.

Колхозлараро Советнинг дастлаб функциялари анча тор доирада эди. 1957 йилгача унинг фаолияти фақат сув хўжалиги ва йўл қурилишлари билан чеклаб қўйилган бўлиб ерларни хўжалик жиҳатдан ўзлаштириш ва янги колхозлар ташкил қилиш каби бошқа масалалар билан эса колхозлараро Совет шуғулланмас, бу ишда координация қилиш ролини бажармас эди.

1956 йил 11 декабрда Ўзбекистон Коммунистлар партияси Марказий Комитети ва республика Министрлар Совети қарор қабул қилдилар: «Сув хўжалиги қурилиши бўйича колхозлараро Совет Марказий Фаргонада янги ерларни суғориш ва ўзлаштириш бўйича колхозлараро Совет қилиб қайта ташкил қилинсин, унга сув хўжалиги қурилиши, планлаштириш ишлари, колхоз посёлкалари, йўллар, электростанциялар ва Марказий Фарғонадаги халқ яшайдиган пунктларнинг аҳолисини сув билан таъминлайдиган қурилишлар бўйича бош заказчилик ҳамда Марказий Фарғона ерларини суғориш ва ўзлаштиришни колхозлар маблағи ҳисобига ҳам, бюджет ҳисобига ҳам бажариладиган проект ва қурилиш ишлари бўйича манфаатдор бўлган барча республика ва область ташкилотларининг фаолиятини координациялаш вазифаси топширилсин». Колхозлараро Совет

тўғрисидаги янги Низом унинг ҳуқуқини анча кенгайтирди ва колхозлараро ишлаб чиқариш алоқалари тараққиётининг КПСС XX съездидан кейинги янги даврига мос келар эди.

Колхозлараро Совет ўзига берилган кенг ҳуқуқлардан фойдаланиб қурилиш-монтаж ташкилотларининг фаолияти устидан контролликни кучайтирди ва Марказий Фарғона-ни ўзлаштиришда қатнашувчи Министрликлар ҳамда идораларнинг ишларини координация қилишни яхшилади.

Марказий Фарғонани сугориш ва ўзлаштириш бўйича кўп масалаларни оператив ҳал қилишда колхозлараро Советнинг кенгайтирилган кўчма мажлисларининг бевосита қўриқ районларда ва колхозларда ўтказилиши муҳим аҳамиятга эга бўлди. Советнинг мажлислари Фарғона обlastининг «Янги ҳаёт», Андижон обlastининг ХХ партсъезд иомли, Наманган обlastининг «Янги турмуш», қўриқ ерлардаги колхозларида, Фарғона, Андижон, Наманган шаҳарларида ва бошқа кўп жойларда ўтказилди. Колхозлараро Совет янги ерларни сугориш ва ўзлаштиришдаги илфор тажрибани ҳамма вақт ўрганди ва умумлаштириди ҳамда уни кенг тарқатди.

Колхозлараро Советнинг қарор ва тавсияларининг бажарилиши сув хўжалиги ташкилотлари ишларининг яхшиланишига, янги колхоз ва совхозларнинг ташкилий-хўжалик жиҳатдан мустаҳкамланишига, Марказий Фарғона ерларининг муваффақиятли сугорилиши ва ўзлаштирилишига ёрдам берди.

Ишларнинг кўпайиши ва қўриқ ерларни ўзлаштириш суръатининг тезлашиш муносабати

билин колхозлараро Совет қайта ташкил қилиниб, Фарғона ва Андижон область колхозлараро Советлари тузилди Фарғона ва Андижон областлари ўртасида янги ерларни баб-баравар тақсимлаш мақсадида 1961 йил бошида Фарғона областидан Тўрақўрғон, Косонсой, Чуст районлари ва Оқолтин ер массивининг шимолий қисми Андижон области составига берилди, ҳамда янғи қўриқ Задарё райони ташкил қилинди.

Тажриба колхозлараро Советнинг қайта ташкил этилиши ўз вақтида ўқазилганлигини кўрсатди. Иккита йирик — Фарғона ва Андижон колхозлараро Советларининг ерларни ўзлаштириш соҳасидаги ишлари бирмунча фойдалари оқ бўлди. Бу колхозлараро ишлаб чиқариш алоқаларининг ривожланишида муҳим фактордир, кооператив-колхоз мулкининг такомиллаштирилшида, шунинг билан бирга давлат мулкининг умумхалқ мулки билан қўшилиб кетишида ҳаёт кўрсатиб берган бирдан бир тўғри йўлдир.

ҚЎРИҚ ҮЛКА КОЛХОЗ ВА СОВХОЗЛАРИ ЮҚСАЛИШ ЙУЛИДА

Кўп йиллар давомида янги ерлар одатда камқувват, жуда паст ишлаб чиқариш имкониятларига эга бўлган қўчма бригадалар томонидан ўзлаштириб келинди. Бундан ташқари, кам сонли бригадалар состави йил давомида бир неча мартараб ўзгариб турди. Бунинг устига Марказий Фарғона массивларидан узоқда жойлашган ўзлаштирувчи колхозлар ва улардан келиб ишлаган қўчма бригадалар фойдаланишга топширилган ерларнинг

ўзларига доимий биркитиб берилшига ишонч ҳосил қилмас эдилар. Тажриба шуни тасдиқладики, янги ерларнинг кўчма бригадалар томонидан ўзлаштирилиши кам фойдали бўлганидан қўриқ ерларни ўзлаштиришнинг бу формасини қўлланиш мумкин эмаслиги ўз-ўзидан маълум. Турмуш Марказий Фарғона қўриқ ерларини бундан кейин кам қувват кўчма бригадалар базасида янги колхоз ва совхозлар тузиш йўли билан забт этиб бориши керак эканлигини қатъиӣ талаб қилди.

Ўзбекистон Коммунистлар партияси Марказий Комитетининг 1957 йил 27 июль қарорида Марказий Фарғонадаги янги ерларни қўйида-гидек ўзлаштириш тавсия қилинади:

а) мавжуд колхозларга ва совхозларга ўзлаштирилиши керак бўлгай янги ерларни абадий фойдаланиш учун биркитиб бериш; б) янги ерларга кўчиб бориш хоҳишини билдирган ва бу ерларга кўчиб келгай колхозчилардан янги колхоз-совхозлар ташкил этиш. Шунга мувофиқ Марказий Фарғонадаги янги ерлар колхозлар ва совхозлар томонидан мустақил равишда бирмунча яхшироқ ўзлаштирилди.

Янги колхозлар ва совхозлар мустаҳкамроқ иқитисодий негизда тузилдилар, шунинг учун уларнинг кўплари ташкил қилинган йилларда-ёқ паҳта, шоли ва бошқа экинлардан мўл ҳосил етиштирдилар, шу тартибда бу ерлардан ҳали қўлга киритилмаған даромадни олишга мұяссар бўлдилар. Партия ва ҳукуматимиз қўриқ ерлардаги янги колхозларга катта ёрдам берди: уларга тракторлар, автомашиналар, электр станциялари, қурилиш материаллари ажратдилар.

Қўриқ ва бўз ерларни келгусида яна кўпроқ ўзлаштириш вазифаларини белгилаб берган КПСС XX съездидан кейин колхоз қурилиши айниқса кенг ривожланди. Съезд қарорлари Марказий Фарғонани ўзлаштирувчилар ўртасида сиёсий ғайрат уйғотди ва уларни меҳнатга отлантириди. Фақат 1956—1957 йиллардагина бу ерда 20 та колхоз ва «Мингбулоқ» совхози ташкил қилинди. Қўриқ ерда ташкил қилинган колхозларнинг номлари ҳам характерлидир: «Янги ҳаёт», «Янги турмуш», «Ленин йўли», «Янги қадам», «Гулистан» ва ҳ. к. Бунда Фарғона водийси меҳнаткашларининг Марказий Фарғонани гуллаган ўлкага айлантириш тўғрисидаги асрлардан бери қилган орзу-умидлари акс эттирилган.

Бу хўжаликларнинг колективи қўриқ ўлкани иложи борича тезроқ гуллаган ўлкага айлантириш ва кишиларда коммунистик онглилик тушунчасини ҳосил қилишга ҳаракат қиласди.

Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалигига коммунистик меҳнат зарбдори деган номни биринчи бўлиб Фарғона областининг Охунбобоев ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Коммунизм» колхози олди. Бу шарафли ном билан колхознинг колективи ҳозир ҳам фахрланаиди.

«Коммунизм» колхози жойлашган ерлар 1953 йилгача тиканлар билан қопланган, ўтиш қийин бўлган чўлдан иборат эди. Кейинги вақтларда эса бу ерларни Фарғона обласгининг Охунбобоев районидаги Фарғона ва Куйбишев номли узоқдаги колхозларнинг кўчма бригадалари ўзлаштира бошлидилар. 1960

йилда бригадалар бирлашиб, колхоз тузилди. Колхоз ташкил этишда кекса коммунист агроном О. Қаримов, экономист А. Гадойбоев, табелчи Ш. Турдалиев, бригадир Б. Эргашев, донгдор звено бошлиғи Ү. Тожибоев, коммунистлар — колхоз раиси У. Қодиров ва Волгаграддан Эльбагача бўлган жангларда қатнашган собиқ фронтовик-танкист И. Рўзибоевлар актив қатнашди. Улар шу вақтгача колхозда намунали меҳнат қилмоқдалар. Ҳозир «Коммунизм» колхозида еттига пахтачилик бригадаси бўлиб, унинг олтитасини коммунистлар бошқаради.

Колхозчилар тараққиётнинг негизи бўлган колхоз бўлинмас фондининг ўсиши тўғрисида доимо ғамхўрлик қиласидилар. Бу фонд 1960 йили 122,1 минг сўмга, 1961 йили — 386,1 минг сўмга, 1962 йили — 449,4 минг сўмга, 1963 йили эса — 699 минг сўмга кўпайди. Бўлинмас фонд маблағининг катта қисмини колхоз техника сотиб олишга сарфлади. Колхоз КПСС Программаси белгилаб берган йўлдан ривожланди. Программада: «Колхозлар ривожланган сари уларнинг асосий ишлаб чиқариш фонdlари ўсиб боради. Бу фонdlарда ҳозирги замон техника воситалари асосий ўринни эгаллайди» дейилган. «Коммунизм» колхози худди мана шу йўлдан бормоқда. Колхозчилар техника сотиб олишга тобора кўпроқ маблағ ажратмоқдалар. 1963 йили хўжаликда 27 та чопиқ ва 6 та ер ҳайдайдиган трактор, 8 юк ва 2 енгил автомашина бор эди.

Бўлинмас фонdlарнинг огишмай ўса бориши ўз навбатида колхоз бойлигини оширади ва колхозчилар меҳнатига ҳақ тўлаш учун кўп-

роқ маблағ ажратишга шароит яратади. Бу құпидаги күрсаткичлардан қўриниб турипти:

Күрсаткичлар	1960 й.	1961 й.	1962 й.	1963 й.
Колхозчиларнинг иш ҳақи (минг сўм)	121,8	265,6	346,1	384
Бир колхозчининг ўртача йиллик даромади (сўм) . .	434	1054	870	1000
Бир киши—куннинг қиймати (сўм)	2,5	3,30	4,52	4,62

Марказий Фарғонада қўриқ ерларни ўзлаштирувчиларнинг кўплари 1953 йилгача меҳнат кунига 10 тийингача пул олар ёки бир тийин ҳам олмас эдилар. Ҳатто эски колхозларнинг кўпчилиги ҳозирги вақтда колхозчилар меҳнатига ҳақ тўлашда «Коммунизм» колхозида гидек юқори даражага эришганлари йўқ. Бунда шуни ҳисобга олиш керакки, «Коммунизм» колхозининг тузилганига атиги тўрт йилгина бўлди. КПСС Марказий Комитети томонидан тикланган колхозчиларнинг ўз меҳнатлари на-тижасига моддий манфаатдорлик ленинча принципларининг турмушга татбиқ қилиниши ҳам колхозда меҳнатга тўланадиган ҳақнинг кўтарилишига ёрдам берди. Колхозчиларнинг фаровонлиги улар қилган меҳнатларининг миқдори ва сифатига қарамай бепул жамоат истеъмол фондларининг кенгайтирилиши ҳисобига кўтарила боради. Жумладан, колхозчиларнинг реал даромадлари кенг миқёсдаги турар жой ва маданий-маиший қурилишлар ҳисобига ортиб бормоқда.

Қўриқ ердаги «Коммунизм» колхозининг энг муҳим ютуғи шундан иборатки, бу ерда меҳнат қилиш ҳар бир колхозчининг муқаддас бурчиға айланган. Меҳнат биринчи даражали ҳаётий зарурат, одат бўлиб қолган. Колхозчилар энг яхши меҳнат намуналари, колхоз хўжалигини бошқаришнинг ижобий намуналари асосида тарбияланадилар. Юксак онглилик ва кучли жамоат фикри қўриқ ерларда колхозчилар фидокорона меҳнатининг манбаи ҳисобланади.

Колхоз партия ташкилоти 35 коммунистдан ташкил топган. Уларнинг ҳаммаси янгилик тарафдори, коммунистик меҳнат учун мусобақа ташкилотчилари дидирлар. Пахта далаларига Қатта Фарғона каналининг суви етишмай қолганда олтинчи бригада коммунистлари чекинмадилар. Улар тезлик билан насос ўрнатиб, ғўзаларни Сарижигин коллекторининг суви билан таъминладилар. Шу йўл билан 92 гектар ердаги ғўзалар сақлаб қолинди.

Комсомоллар ҳам қўриқ ерларда мўл пахта етишириш учун курашнинг биринчи сафларида бормоқдалар. Ёш коммунист А. Юсупжонов раҳбарлик қилган комсомол-ёшлар бригадаси социалистик мусобақа ғолибларидир. Унинг бригадаси 1963 йили колхозда ҳар гектардан 32 центнердан энг арzon пахта олди. А. Юсупжонов бригадасига бошқа колхозлардан юқори ҳосил етишириш сирини билиш мақсадида келадилар.

Бригадирнинг ўзи ҳам доимо бошқалардан ўрганди. У Поп районидаги Ленин номли колхознинг донгдор механизатори, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони М. Умурзоқовнинг илфор тажрибасини 10 кун ўрганди. Охунбобоев

хословакиялик кинорежиссёр А. У. Димичнинг диққатини ўзига жалб этди. Кинорежиссёр А. Ф. Миддендорфнинг китоби билан Москва-да танишгач, 1962 йили қўриқ ўлкадаги Карл Маркс номли колхозга келди ва ҳалок бўлган қишлоқ ўрнида вужудга келган ўзгаришларнинг гувоҳи бўлди. Қардош чехословак ҳалқи билан ягона социалистик лагерда умумий мақсад сари бораётган совет ҳалқидан магурланган А. У. Димич ўз ёрдамчилари билан биргаликда «Йўқолган қишлоқнинг сири» фильмини суратга олди. Фильм сценарийсини атоқли тошкентлик журналист Георгий Димов ёзди. Чехословакия ва совет маданият арбоблари яратган фильм ҳалқлар ўртасидаги дўстликнинг янада мустаҳкамланишига ёрдам беради, у ленинча миллий сиёсатнинг тантана-сидан ҳикоя қиласди.

Ҳалок бўлган қишлоқ ўрнида юз берган ўзгаришлар чиндан ҳам кишини ҳайрон қолдирарлидир. Партия чақириғига биноан янги колхозга 1336 киши кўчиб келди. Қўриқ ўлкада колхозчилар ва ишчилар қудратли техникадан фойдаланиб жуда катта қийинчилкларни енгдилар. Натижада янги ерларни тезда ўзлашибириб у ерлардан энг кўп арzon маҳсулот олдилар. Қуйидаги фактлар бунинг гувоҳидир:

Кўр.аткичлар	1959 й.	1960 й.	1961 й.	1962 й.	1963 й.
Пахта майдонининг ўсиши, гектар . . .	82,5	320	710	720	920
Ялпи пахта ҳосили, тонна	104	851	1501	1977	2164

1962 йили колхозчилар ҳар гектардан 27,5 центнер пахта етишириб, мисли кўрилмаган ютуқларни қўлга киритдилар. Биргина 1960 йил мобайнида ҳосилдорлик икки мартадан ҳам зиёд, ҳар гектардан 14 центнерга оширилди.

Колхозда 11 миллат вакиллари аҳллик билан меҳнат қилмоқдалар. Уларнинг фидокорона меҳнати туфайли Марказий Фарғона тубдан ўзгармоқда.

Марҳамаг ишлаб чиқариш бошқармасидаги тажрибали ташкилотчи ва раҳбар Саврихон Йўлдошева раислик қилаётган XX партсъездномли колхознинг аҳл коллективи ҳам бу ишга озмунча куч сарфламади. Агар колхоз биринчи йили 26 гектар ерга экин эккан ва ҳар гектардан 10 центнердан пахта олган бўлса, 1960 йили колхоз 300 гектарни ўзлаштириб, қўриқ ўлкадан давлатга 500 тонна пахта топширди. Коммунистлар колхознинг жони-танидирлар. Улардан 38 таси ишлаб чиқаришнинг ҳал қилувчи участкаларида меҳнат қилмоқда. Бу ерда колхоз аъзоларининг бештасидан бири коммунист, еттитасидан бири комсомол аъзосидир. Бундай колхозлар Марказий Фарғонада кўплаб топилади. Улар 1963 йилнинг ўзидаёқ 60 мингдан ортиқроқ қўриқ ерларга экин экдилар.

Марказий Фарғонада колхоз қурилиши тажрибаси шуни кўрсатадики, ташкилий ишлар тартибга солинган, кадрлар жой-жойига тўғри қўйилган ва меҳнаткашлар кун сайин ғоявий-сиёсий жиҳатдан тарбияланадиган колхозлар йирик, иқтисодий жиҳатдан қурдатли социалистик хўжаликка айланди.

Марказий Фарғонада колхозлар билан бир қаторда совхозлар ҳам тузилди. 1957 йили 12 сентябрда Марказий Фарғонанинг Улуғнор массивида биринчилар қаторида собиқ Наманган облатининг Бўз МТСи базасида «Мингбулоқ» совхози тузилди. 1957 йил октябрида бунга бир неча кўчма бригадалар қўшилди.

Партия чақириғига биноан совхоздаги қўриқ ерларни ўзлаштириш учун ҳақиқий ватанпарварлар келдилар. Ҳозир совхознинг бош инженери бўлиб шлаётган ташаббускор А. Шоимқулов, илфор бўлим бошқарувчиси — собиқ мактаб директори Н. Рафиқов, инженер-гирдотехник Л. Ф. Гладков, ажойиб партия ташкилотчиси А. Тўхтабоевлар биринчи бўлиб қўриқ ерларни очдилар. Совхознинг биринчи директори Н. Абдураҳмонов жуда катта қийинчилкларни енгди.

Илфор ишчилар ва механизаторларни партияга қабул қилиш ҳисобига тез ўсаборган партия ташкилоти совхознинг мустаҳкамланишида ташкилотчилик ва сафарбар қилувчилик ролини ўйнади. Бир неча йил ичida партия ташкилоти З мартадан зиёд ўсади. Комсомол ташкилоти ҳам мустаҳкамлана борди. Дастлаб 132 комсомол аъзоси бўлган бўлса, бир неча йилдан кейин улар сони 300 кишига етди. Совхоз комсомол ташкилоти механизатор кадрлар тайёрлашни оталикка олди. Комсомол-ёшлар бригадалари тузилиб, уларга М. Мирабдуллаев, А. Йўлдошев, Т. Йўлдошев, Т. Аҳмедов ва бошқалар бошчилик қилдилар.

Партия ташкилоти пахтадан мўл ҳосил этиштиришда социалистик мусобақанинг таш-

килотчиси бўлди. Манноп Жалолов бошлиқ коммунистик меҳнат бригадасининг иш тажрибаси «Мингбулоқ» совхози коммунистлари ва комсомоллари учун машъал бўлди. 1957 йилга қадар пахтадан 9—10 центнердан ҳосил олган қўриқ ўлкаликлар 25 центнердан ҳосил олиш учун, коммунистик меҳнат коллективлари деган шарафли номни олиш учун бригадаларнинг мусобақаларини кенг авж олдирдилар. Коммунистлардан Т. Азимов, М. Мирабдуллаев, А. Жабборов, А. Йўлдошев, М. Ҳусанова, комсомол аъзоси Т. Аҳмедовларнинг илгор бригадалари юқори ҳосил учун, комплекс механизация учун, арzon пахта учун, меҳнатни яхши ташкил қилиш ва коммунистчасига яшаш учун кураш байроғини бириичи бўлиб кўтардилар. Бу бригадалар ўз олдларига ғўзани ишлаш процессларини максимал механизациялаш вазифасини қўйдилар.

Қасаба союз ташкилоти партия ташкилоти билан бир қаторда коммунистчасига меҳнат қилиш учун курашда мусобақа ташкилотчи-си бўлди. Бу ташкилот совхоз коллективи билан биргаликда мунтазам равишда ўсида ва мустаҳкамланди. Қасаба союз ташкилотининг 1961 йили ўз сафида ишчилар, инженерлар ва хизматчилардан 1750 аъзоси бор эди.

Давлат қўриқ ўлкадаги совхозга катта ёрдам берди.

Совхозда каналлар реконструкция қилинди, бунинг натижасида совхоз ерлари илгаригига нисбатан сув билан анча яхши таъминланди, машина парки узлуксиз тўлдириб туррилмоқда. Совхоз 1961 йилнинг ўзида 5 экскаватор, 5 скрепер, 3 трактор олди. Ердан

унумли фойдаланилмоқда. 17 сонли қурилиш-монтаж бошқармаси янги ерларни ирригация-мелиорация жиҳатидан тайёрлашда катта ишлар қилди.

Буларнинг ҳаммаси пахтадан мўл ҳосил етиширишга имкон берди. Совхоз 1963 йили давлатга, 5 минг тонна биринчи сорт қўриқ ўлканинг пахтасини топширди, бу билан у пахта тайёрлаш планини 113, 06 процент баражарди. Совхоз колективи сиёсатда ва меҳнатда актив иштирок этдилар, улар техника билан қуролланган ҳолда агрономия илмига амал қилиб катта ғалабага эришдилар. Совхозда прогрессив усуллар кенг жорий қилинди. Масалан, совхозда 1963 йили 1962 йилдан гидан 1000 тонна ортиқ пахта машинада терилиди. Техникадан моҳирлик билан фойдаланиш натижасида «Мингбулоқ» совхози 1960—1963 йилларда қўшимча равишда 2250 гектар қумлоқ ва шўр ерларни ўзлаштириди ҳамда Марказий Фарғонада жуда катта майдонни ўзлаштирган хўжаликка айланди. Совхоз 3405 гектар ерда фақат гўза етиштиради.

КПСС Марказий Комитетининг 1964 йил февраль Пленуми қарорлари қўриқ ерларни ўзлаштирувчиларни янги меҳнат ғалабаларига отлантириди.

ИНТЕНСИФИКАЦИЯЛАШ ИУЛИДА

КПСС Марказий Комитети декабрь (1963 й.) ва февраль (1964 й.) Пленумлари қарорларида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини интенсификациялаш бўйича катта тадбирларни

ишлиб чиқди, бу қишлоқ хўжалигини юксалтиришда бош йўл бўлиб қолди.

Марказий Фарғонадаги хўжаликлар ҳам шу йўлдан ривожланмоқда. Агар дастлаб Марказий Фарғона меҳнаткашлари олдида янги ерларни ўзлаштириш, суғориладиган деҳ-қончиликни кенгайтириш ҳисобига пахта ва донни кўплаб етиштириш вазифаси турган бўлса, энди қўриқ ердаги колхоз ва совхозлар, янги ерларни янада ўзлаштира бориш билан бир қаторда ўзлаштирилган ерларда пахта, шолидан юқори ва барқарор ҳосил олишни таъминлаши, чорвачилик, ипакчилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириши, ҳар гектар ердан олинадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотини, унинг таниархини узлуксиз камайтира бориб, кескип кўтаришлари керак. Қўриқ ердаги илғорлар бунга ишлиб чиқаришни комплекс механизациялаш, суғориладиган ерлардан энг яхши фойдаланиш, минерал ўғитларни кепг қўлланиш ва илғор тажриба ҳамда фан ютуқларини сабот билан жорий қилиш асосида эришадилар.

Йирик ирригация-мелиорация ишлари амалга оширилиши, қўриқ ердаги колхоз ва совхозларнинг техника билан яхши қуролланиши, колхозчиларнинг агротехник билимлари дарражасининг кўтарилиши давлат ва колхозлар томонидан Марказий Фарғонани ўзлаштиришга йирик капитал маблағлар сарфланиши натижасида Марказий Фарғонанинг янги суғориладиган ерлари интенсификациялаширилди.

1953—1963 йилларда Марказий Фарғонада 72,54 минг гектар қўриқ ерлар сув чиқарилиб

сүфорилди ва ирригация-мелиорация жиҳатдан тайёрланди. Бу ерларда пахта, ғалла ва бошқа маҳсулотлардан мўл ҳосил этиширилиб харажатлар ортиғи билан қопланмоқда.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини интенсификациялашнинг энг муҳим элементи ва таркибий қисми ҳисобланган комплекс механизациялашириш Ўзбекистонда пахтачиликни кескин кўтариш учун курашда янги давр очиб берди. Қўриқ районларга давлат томонидан техника, мутахассис кадрлардан тобора кўпроқ ёрдам берилмоқда. Комплекс механизациялашда бунинг аҳамияти каттадир. Масалан, Бўз районига давлат томонидан берилган машиналарни қўйидаги маълумотлардан кўриш мумкин. Андижон обlastida 1954 йили бир тракторга (15 от кучи ҳисобида) 56 гектар ер тўғри келган бўлса, Бўз районида бу 35 гектарни ташкил этди. Область бўйича бир «Универсал» тракторида 90—95 гектар ер ишланган бўлса, Бўз районида 55—56 гектар ер ишланди.

Техника билан қуролланиш натижасида колхоз ва совхозлар пахта этишириш процессларини механизациялашира оладилар. Масалан, 1957 йили Бўз районида 3600 гектар ёки экин майдонининг 60 проценти узунасига ва кўндалангига ишланди, 1958 йили эса 5600 гектар ёки барча пахта майдонининг 95 проценти ишланди. Чигит бу ерда асосан квадрат-уялаб экилди.

Ўзбекистон Коммунистлар партияси Марказий Комитети ва Республика Министрлар Совети тавсияларига асосланиб ҳамма жой-

ларда комплекс механизацияни кенгайтиришда муҳим роль ўйнайдиган трактор далачилик бригадалари тузилди. Биргина 1960 йили Балиқчи районидә 56 трактор-далачилик бригадалари ташкил қилинди. Тажриба шуны күрсатдикі, трактор-далачилик бригадалари одатдаги далачилик бригадаларидан фойдалироқдир. Бу қуйидаги таққослашдан күрениб турипти:

Бригадалар	Майдон, гектар	Сарфланған кіші-куни		1 киши хі оби- га етишти- рілган пахта	Плац- нинг бажа- рили- ши. %
		1 гек- тарға	1 цент. пахта етиши- рішінде		
Мамадалиев бошлиқ трактор-далачилик бригада	66	134	4,2	4,2	110
Тожиаҳмедов бошлиқ далачилик бригада	74	175	6	3,2	96

М. Мирзабеков, М. Абдуллаев, Ф. Абдуллаевлар бошлиқ трактор-далачилик бригадалари қўриқ ерларда гектаридан 35 центнер ҳосил олиб ҳар йили социалистик мажбуриятни ортиғи билан бажармоқдалар.

Трактор-далачилик бригадаларида пахтани машинада йиғиб-териб олишга катта аҳамият берилади. Қўриқ ердаги илғор механизаторлар В. Тюпко, М. Умурзоқов, Ж. Кўчиев тажрибаларидан фойдаланиб юксак меҳнат унумдорлигига эришдилар.

Механик ҳайдовчилардан И. Муротов, Й. Бахтиёров, Ф. Жамолов ва бошқалар бир мавсумда 150 тонна ва ундан кўпроқ пахтани машинада тердилар.

Хотин-қизлар техникани актив әгаллай бошладилар. Юзлаб аёллар ва қизлар 1960—1964 йилларда Т. Охунова ташаббусини қувватладилар ва машинани ўрганишга киришдилар, трактор ва пахта териш машинасининг рулини бошқарадиган бўлдилар. Ҳамма жойларда пахта териш машинасининг механик-ҳайдовчилари учун курслар очилди. Кўп қизлар механизация мактабларида ўқидилар. Бир группа хотин-қизлар Бўз, Ёзёвон, Задарё, Балиқчи ва бошқа РТСлар ҳузуридаги механик-ҳайдовчилар курсини тамомладилар. Энди колхоз ва совхоз механизаторлари орасида қизларнинг номлари тобора кўпроқ учрамоқда. Балиқчи ишлаб чиқариш бошқармасининг «Ленинград» колхозидан чиққан Ўзбекистонда хизмат кўрсатган механизатор, Ўзбекистон комсомол Марказий Комитетининг аъзоси Э. Набиева ва қўрниқ ўлкадаги «Мингбулоқ» совхозидан республика Олий Совети депутати С. Оллоёрова Марказий Фарғонада машнида пахта териш машъаллариidlар. Уларнинг ҳар бири мавсумда 140—150 тоннадан пахта терадилар. К. Абдуллаева, М. Ҳусанова, М. Ҳакимова, Задарё районининг хотин-қизлардан биринчи механик-ҳайдовчиси Ҳ. Ҳамдамова ва бошқалар мавсумда 100—120 тоннадан пахта терадилар.

Айрим бригадаларгина эмас, колхозлар ҳам комплекс механизациялаш йўлига ўтмоқдалар. 1958 йилдан бошлаб Марказий Фарғонанинг Бўз массивидаги XVII партсъезд номли колхоз комплекс механизацияни қўллай бошлади. Унинг жорий қилиниши натижасида колхоз агротехникани яхшилаш, ҳосил-

дорликни анча ошириш ва пахтанинг таннархини пасайтириши мумкин.

Комплекс механизация қўлланиши билан колхоз хўжалиги йилдан-йилга мустаҳкамла-на борди. КПСС Марказий Комитети сентябрь Пленумидан кейин колхоз 700 гектарга яқин қўриқ ерни ўзлаштириди ва 1961 йилнинг ўзидаёқ 1500 гектардан кўпроқ ерга фақат чигит экди. Колхоз пахта ва бошқа маҳсулотлар билан бирга, кўплаб чорвачилик маҳсулотлари ҳам етиштиromoқда.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини, айниқса пахта етиштиришни интенсификация-лашда ўғитнинг роли муҳимдир. Марказий Фарғонадаги илфор колхоз ва совхозлар ўғитдан фойдаланишда катта тажриба тўпладилар. Масалан, Балиқчи ишлаб чиқариш бошқармасидаги Ленин номли колхоз ҳар гектар ерга ўрта ҳисобда 5 тонна гўнг, 400 килограмм селитра ва 300 килограмм суперфосфат ҳисобидан ўғит солиб, ҳар йили пахтадан юқори ҳосил олмоқда. 1963 йили колхоз ҳар гектардан ўрта ҳисобда 30 центнердан ёки 1962 йилдагига нисбатан 7,5 центнер кўп пахта олди.

Бу ерда ўғитга айниқса кейинги вақтда катта аҳамият берадиган бўлиб қолдилар.

«Гулбах» совхози колективи КПСС Марказий Комитети декабрь (1963) ва февраль (1965) Пленумларининг қарорларини турмушга муваффақиятли татбиқ этиш тадбирларини ишлаб чиқди. Бу ерда 1964 йил ҳосили учун 13 минг тонна компост ва 10 минг тонна гўнг солишни мўлжалладилар. Совхоз мутахассислари ғўзага турли ўсув даврида ўғит солиш

бўйича тавсиялар ишлаб чиқдилар. Совхозда минерал ўғитлар ва бошқа химиявий препаратларни сақлаш мақсадида шийпонлар қурилди. Агрохимияни ўрганиш курси очилди. Бўлим, бригада раҳбарлари, ҳисобчилар агрохимия дарсини ўқийдилар.

Фан ютуқлари, илгор агротехника ва агрохимияни жорий қилиш бўйича илгор хўжаликларнинг тажрибалари қўриқ ердаги барча колхоз ва совхозларнинг бойлиги бўлиб қолмоқда. Интенсификациялаш қўриқ ерни ўзлаштирувчилар учун меҳнат унумдорлигини узлуксиз ошириш ва қишлоқ хўжалик маҳсулотининг таннархини камайтиришга ёрдам бермоқда. Буни Бўз район хўжалик мисолида яқъол кўриш мумкин:

	1952 й.	1959 й.
Етиштирилган пахта, т	8836,8	10 345
Пахта етиштиришга сарфланган		
киши-кун	1 365 465	250 000

Қўриқ ерларни ўзлаштирувчиларнинг техника билан узлуксиз қуролланиши техникадан, минерал ўғитлардан, суфориладиган ерлардан, фидокорона меҳнатдан ватанпарварлик руҳида самарали фойдаланиш асосида партия ва ҳукумат томонидан улар олдига қўйилган вазифалар муваффақиятли ҳал этилмоқда.

ҚЎРИҚ ҮЛКАЛИҚЛАР МОДДИЙ ФАРОВОНЛИГИ ВА МАДАНИЯТИНИНГ КУТАРИЛИШИ

Партия ва ҳукумат қўриқ ўлка меҳнаткашлари моддий фаровонлигининг ўсиши тўғрисида кун сайин ғамхўрлик қиласи. Давлат уларга

кatta моддий енгилликлар берди. Ўлар учун пахтанинг энг юқори харид нархи белгиланди. Ғўза парваришининг дастлабки учйилида колхоз ва совхозлар топширган пахталари учун харид нархининг 20 проценти миқдорида устама мукофот оладилар. 1964 йили давлат колхозларни сув қурилиши обьектларида ишлашдан озод қилди, моддий фаровонликнинг яхшиланишига, шунингдек, ленинча моддий манфаатдорлик принципининг тикланиши ва янада ривожлантирилиши катта таъсир кўрсатди. Буларнинг ҳаммаси биргаликда колхозларнинггина эмас, колхозчиларнинг ҳам даромадларини оширди. Охунбобоев ишлаб чиқариш бошқармасидаги Карл Маркс номли колхоз мисолида бу ёрқин кўзга ташланади:

Кўрсаткичлар	1960 й.	1960 й.	1961 й.	1962 й.	1963 й.
Олинган даромад, минг сўм	56,4	373,4	689,9	699,2	910,2
Шу жумладан пахта сотишдан, минг сўм	42,7	345,6	643,5	661,6	885
Колхозчилар меҳнатига тўлапгани, сўм . .	33,8	181,4	373,7	421	548,3
Бир колхозчининг ўртача йиллик даромади, сўм	274	848	1146	927	1103
Бир киши куннинг қиммати, сўм . . .	2,11	2,98	3,79	4,13	4,56

Шундай қилиб, колхознинг фақат пахтадан олган даромади 1960 йили ўтган йилга — кол-

хоз тузилган дастлабки йилга нисбатан 8 марта, 1963 йили эса 20 мартадан кўпроқ ўси. Колхозда асосий ишлаб чиқариш воситалари йил сайн кўпайиб борди: 1959 йили 147,2 минг сўмга, 1963 йили эса — 880,3 минг сўмга кўпайди. Бу давр ичида колхозчиларнинг даромади ҳам анча ўси.

Колхозчилар меҳнатига бундай юқори ҳақ тўлайдиган колхозлар қўриқ ерларда тобора ортиб бормоқда. Балиқчи ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Коммунист» колхозининг даромади пахта етиштиришга сарфланадиган меҳнат ва пулни огишмай қисқартира бориш ҳисобига тез ўсмоқда. Бу ерда бир центнер пахтанинг таннархи 1962 йили 22 сўм 93 тийин бўлган бўлса, 1963 йили 19 сўмни ташкил қилди. Агар суғориладиган ернинг 100 гектаридан олинган ялпи даромад 1962 йили 50848 сўм бўлган бўлса, 1963 йили 83170 сўм бўлди. Колхоз фақат пахтачиликдан 1 миллион 114 минг сўм даромад олди, колхознинг пахта сотишдан олган даромади 25,8 процентга ортди. Колхозчилар ўз меҳнат ҳақларига 620 350 сўм ажратдилар. Бундан ташқари, 12064 сўм кексайган колхозчиларни пенсия билан таъминлаш ва уларга ёрдам бериш мақсадида ажратилиди. Шунингдек колхозчиларнинг фаровонлиги уларга меҳнатининг миқдори ва сифатига қарамай, жамоат истеъмол фондининг кенгайиши ва текин таъминланиши ҳисобига кўтарилади.

Марказий Фарғонадаги кўпгина хўжаликлар Мирзачўлдаги каби фақат ишлаб чиқаришни коммунистчасига ташкил қилишда эмас, балки турмушда ҳам бошқа хўжаликларга

ўрнак бўлмоқдалар. 1953 йилдан кейинги ўтган қисқа вақт ичидаги Марказий Фарғонадаги чўл-биёбонлар ўрнида янги обод колхоз ва ишчи посёлкалари қад кўтарди, мактаб, клуб, водопровод, касалхона, кинотеатр, болалар муассасалари, радио шоҳобчаси — қўриқ ўлкадаги аҳолининг маданий савиясини ва фаровонлигини кўтариш учун зарур бўлган барча шарт-шароит яратиб берилди. Марказий Фарғонани ўзлаштирувчиларнинг кўпчилиги Бўз, Жумашўй, Ёзёвон, Балиқчи, Ўлуғнор посёлкаларида яшайди. Бу ерлар қўриқ ўлка колхоз ва совхозларининг марказига айланган. КПСС Марказий Комитети сентябрь (1953 й.) Пленумидан кейин Марказий Фарғонанинг янги сугориладиган зонасида колхозчилар ва совхоз ишчилари учун 5 мингга яқин уй ва квартиralар қурилди.

Марказий Фарғонанинг экономикаси вະ маданиятининг ривожланиши учун албатта йўллар қурилиши керак. Қурувчилар жазира-ма ёз иссифи ва қиши совуғига қарамай, Марказий Фарғонанинг ичкарисига қараб бутун йил бўйи магистраль йўлни ишладилар. Улар 300 километрдан кўпроқ магистраль йўл ва хўжаликнинг ичидаги 10 минг километрдан кўпроқ йўлларни қуриб битирдилар. Бу йўллар Марказий Фарғонанинг ички ва ташки транспорт алоқаларини таъминлайди; қўриқ ер массивларини Фарғона водийсининг саноат ва маданий марказлари — Фарғона, Андижон, Наманган, Қўқон билан бирлаштиради.

Қўриқ ўлкаликлар кўкаlamзорлаш, боғдорчилик ва токчиликка кўп куч ҳамда вақт сарфлайдилар. Эндиғина ўзлаштирилган ерларга

экилган дарахтлар қумнинг йўлини тўсади ва шунинг билан бирга қўриқ ўлканинг қиёфасини ўзгартириб, кишилар ҳаёти учун қулай шароит яратади.

«Мингбулоқ» совхозининг ишчи ва хизматчилари кўп ерларни кўкаламзорлаштирилар. Ҳар бир оила энг камидаги 70—80 туп дарахт экиши керак — коллективнинг қарори ана шундай. Совхозда кўкаламзорлаширишга тажрибали боғбон Тўрахон ота Ҳайдаров раҳбарлик қиласиди. У ўз қўли билан ариқ бўйларига 10 мингдан кўпроқ дарахт экди. Ҳайдаров бу ерларга 1938 йили Намангандан келган. У вақтда бу ерларда янтоқдан бошқа ҳеч нарса ўсмас эди. Ўнлаб километр ерда бирорта уй ёки дарахт учрамас, қуюқ қамиш сўқмоқларида ёввойи чўчқа ва бўрилар бўкириб юради. Қеч кириши билан чўлда пашшалар булути пайдо бўларди. Т. Ҳайдаров маҳаллий аҳолида ерни кўкаламзорлаш кераклигига ишонч ҳосил қиласиди. Бир вақтлар янтоқ ўсган ерда боғ яратилди, унга 30 хил мевали дарахтлар, 12 хил узум экилди. 1959 йили Тўрахон ота Ҳайдаров уч гектарда токзор яратди. У халқ хўжалиги ютуқлари виставкасида бўлди. Ҳозир у совхозда бош боғбон бўлиб ишламоқда. Қўриқ ўлкада бундай ўз ишининг ташаббускорлари кўплаб топилади.

Бўз посёлкасида яшовчи аҳоли ўз олдига олижаноб вазифа — ҳар бир участкани гулзорга, боққа айлантириш вазифасини қўйди. Улар кўп иш қиласидилар: ҳар бир муассаса, уй олдида, ҳар бир мактабда гулпушта (клумба) ва кўкаламзор (газонлар), жамоат боғи ва токзорлар яратдилар. Бу ердаги қишлоқ ва

посёлкалар йилдан-йилга ободонлашиб чиро-
йига чирой қўшилмоқда.

Қўриқ ўлка аҳолисининг маданий-маиший шароитини ва моддий фаровонлигини яхшилаш, текин медицина хизмат кўрсатиш ва соғлигини сақлаш тўғрисида диомо ғамхўрлик қилиш катта ўринни эгаллади. Марказий Фарғона ерларининг ўзлаштирилиши натижасида бу район аҳолисини бутунлай соғайтириш, замбуруғ, қўтириш, чечак, паразитик терлама каби халқ бошига катта қайғу келтирган оммавий касалликлар тугатилди. Марказий Фарғона-нинг ботқоқ районлари қўп асрлар давомида аҳолининг безгак билан ёппасига касалланиш манбай бўлиб келган эди. Олимлар ва тажрібали врачлар ҳамкорлигида кескин чоралар амалга оширилганлиги сабабли бу даҳшатли касаллик бутунлай тугатилди. Касалликларнинг олдини слиш ва кескин камайтиришга, юқумли касалликларни тугатишга, узоқ умр кўришга қаратилган чоралар ишлаб чиқилмоқда ва амалга оширилмоқда. Марказий Фарғона районларида медицина ва санитария-профилактика тармоқлари кенг ривожланган, қўриқ ўлка аҳолисига хизмат кўрсатадиган врачлар ва ўрта медицина ходимлари штати бўлган, ҳозирги замон ускуналари билан жиҳозланган медицина санитария қисмлари тузилган.

1960 йили февралда бўлиб ўтган Ўзбекистон Коммунистлар партияси Марказий Комитетининг XV съездида республикада, айниқса янги суғориладиган ерларда соғлиқни сақлашнинг конкрет чоралари қабул қилинди. Даволаш-профилактика муассасалари, болалар боғчала-

ри, яслилар, аптека тармоқларини кенгайти-
тириш программаси белгиланди.

Давлат ҳисобига олиб борилаётган қури-
лишлар билан бир қаторда медицина муасса-
саларининг қурилиши колхозларнинг ташаб-
буси билан ва улар ҳисобига кенг авж олди-
рилди. Қўриқ ўлқадаги XX партсъезд номли,
«Коммунизм», «Гигант», «Янги турмуш»,
XVII партсъезд номли ва бошқа кўп колхоз-
ларда янги касалхоналар қурилган. Балиқчи
посёлкасида зарур медицина ускуналари би-
лан жиҳозланган янги типовой икки қаватли
касалхона қад кўтарди. 1963 йили Бўз райони-
да 209,4 киши ётиб даволанди, бу 1953 йилда-
гига нисбатан тахминан 10 марта кўпдир. Кўп
йиллар давомида кишилар бу ерларда доктор-
нинг нималигини билмас, уларни парихонлар
ва табиблар «даволар» эдилар. 1961 йили
Бўзга М. И. Қалинин номли Андижон меди-
цина институтини битиравчилардан 8 киши
ишга келди.

Марказий Фарғонада соғлиқни сақлаш иши-
да санитария-гигиена ва даволаш-профилакти-
ка чораларининг бутун бир системаси жорий қи-
линмоқда. Бунда Марказий Фарғонанинг конкрет шароити ҳисобга олинган ҳолда Сибирь ва Қозоғистоннинг қўриқ районларида соғлиқни сақлаш тажрибаларидан фойдаланилади.

Коммунистик партиянинг кундалик гамхўр-
лиги туфайли Марказий Фарғона соғлиқни сақлаш ишида ва маданиятини юксалтиришда катта ютуқларга эришди. Аҳолига медицина хизмати кўрсатишдаги барча кўрсаткичлар бўйича Марказий Фарғона Туркия, Эрон, Покистон ва кўпгина бошқа мамлакатлардан

жуда олдиндадир. Эронда 10 минг аҳолига атиги 4 та койка тўғри келса, Бўз районида 215 койка тўғри келади, яъни 50 мартадан ҳам кўпроқ. Марказий Фарғонанинг соғлиқни сақлаш иши бошқа районлардан 10 минг аҳолига тўғри келадиган врачлар сони каби энг муҳим кўрсаткичлар бўйича ҳам анча ўзиб кетди.

Марказий Фаргона районларида мана шу ўн йил ичидаги халқ маорифи тармоқлари гуркираб ўси, мактабнинг ҳаёт билан, унумдор меҳнат билан алоқаси мустаҳкамланди. Қўриқ районлардаги барча мактаблар асосан бир сменали дарс ўтишга кўчирилди, бу ўқув тарбия процессининг яхшиланишига ёрдам беради. Ўзбекистон коммунистлар партияси мактабларни ўқитувчи кадрлар билан таъминлашга, ўқитувчиларпнинг ғоявий-сиёсий савиясининг ва малакасининг оширилишига катта аҳамият беради. Ҳар йили Фаргона, Андижон, Наманган, Тошкент ва бошқа шаҳарлар педагогика институтларининг мутахассислари Марказий Фарғона мактабларига юборилади. Кўпгина ўқитувчилар олий ўқув юртларида сиртдан таълим оладилар.

Юқори малакали педагоглар сони 1953—1961 йилларда собиқ Бўз районида З марта ортди. Масалан, 1953—1954 йилларда олий ва тўлиқсиз олий маълумотли 34 ўқитувчи бор эди, улар сони 1950—1957 йилларда—45, 1957—1958 йилларда—50, 1958—1959 йилларда—72, 1960—1961 йилларда эса 100 кишига етди.

Партия ва совет ташкилотлари аҳолининг маданий савиясини кўтариш мақсадида катта ишларни амалга оширмоқдалар. Бу соҳада «Гулбах» совхозининг партия ташкилоти кўп

иш қилди. Бу ташкилот ўқитувчилар ва бошқа мутахассислар ёрдамида кишилар билан индивидуал ишлашни яхши йўлга қўйган. Кишиларни тарбиялашнинг бу формаси яхши натижалар берди. Бу ерда йилдан-йилга аҳолининг умумий билимигина эмас, балки уларнинг маданий савияси ҳам кўтарилади.

Кино қўриқ ўлка аҳолиси маданий ихтиёжининг ажралмас таркибий қисми, уларни коммунистик руҳда тарбиялаш ва маданий савиясининг ўсишида муҳим воситадир. 1954 йили Балиқчи район меҳнаткашларидан 63387 кишига 718 кинофильм қўйиб берилди. 1960 йили эса худди шу районда 180 минг томошабин 2040 кинофильмни томоша қилди. Буни Марказий Фарғонада ҳамма жойда кузатиш мумкин. Бу ерда кутубхоналар мунтазам равишда кўпаймоқда, китоб фонди эса ортмоқда. Кўп кутубхоналар аҳоли маданиятининг ўсиши ва саводининг чиқарилишида чиндан ҳам марказ бўлиб қолди. Кутубхоначилар янги-янги китобхонларни жалб қиласидилар ва китобларни моҳирлик билан пропаганда қиласидилар. М. Пўлатова мудирлик қиласидиган «Мингбулоқ» совхозининг марказий кутубхонаси шулар жумласидандир, унинг китоб фонди доимо тўлдириб борилади, китобхонлар сони ўсмоқда. 1963 йил бошидаёқ кутубхона 6300 сўмлик китоб олди. М. Пўлатова китобхонларнинг тобора ўсиб бораётган талабларини мунтазам қондириб туради. Оммавий ишлар яхши йўлга қўйилгани учун ҳам бу ерда китобхонлар конференцияси тез-тез ўтказиб турилади. Шундай конференциялардан бирида А. Мухторнинг «Туғилиш» романни муҳокама қилинди.

Бу асарнинг муҳокамасида 300 дан ортиқ қўриқ ўлка аҳолиси қатнашди.

Марказий Фарғонада партия ташкилотлари китобни кенг тарқатиш тўғрисида, унинг ҳар кимсага етиб бориши тўғрисида ғамхўрлик қиласидилар, китоб савдосини яхшилаш учун тинмай ишлайдилар.

Марказий Фарғонанинг муваффақиятли ўзлаштирилиши, янги ерларда экономика ва маданиятнинг ривожланиши хотин-қизларнинг ишлаб чиқаришда ва ижтимоий-сиёсий ҳаётда актив иштирок этишлари билан қатъий боғлиқдир.

Ўзбекистон Коммунистлар партияси ўзбек хотин-қизларидан янги авлодни — коммунизмнинг актив қурувчиларини тарбиялаб етиштириди. 15 мингдан кўпроқ хотин-қизлар қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштиришда, соғлиқни сақлаш, халқ маорифи органларида, маданий-маориф муассасаларида, партия, совет, комсомол ташкилотларида фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Марказий Фарғонадаги юзлаб меҳнаткаш хотин-қизлар замонавий техникани, илгари фақат «эркаклар касби» ҳисобланган касбларни эгалламоқдалар. Кўп ўзбек хотин-қизлари колективнинг қобилиятли раҳбарлари, омманинг ташкилотчилари бўлиб етишдилар. Асрий урф-одатлар ва диний хурофотлар билан курашда Коммунистик партия ўзбек хотин-қизларини янги ҳаётга чорлади. Ҳар бир хотин-қизнинг равнақи ва ўз қобилиятини намойиш қилиш учун кенг имкониятлар очиб берилди.

Ўзбек хотин-қизларининг маданий қиёфаси ва турмуши ўзгарди. Масалан, илгари эркин

Никоҳ түғрисида орзу қилиш ҳам мумкин бўлмаган бўлса, ҳозир эса қўриқ ўлкадаги колхозларда комсомол тўйлари ўтказилмоқда. Ана шундай тантана қўриқ ердаги «Янги турмуш» қишлоқ хўжалик артелида ўтказилди. Бу тўй бутун колхознинг байрамига айланди. Келин — қўриқ ўлкадаги хўжаликнинг раиси Т. Ҳожиқосимова, куёв эса — Андижон ишлабчиқариш бошқармасининг инспектори С. Ражабов эди. Тантанада қўриқ ердаги XX партсъездномли илгор колхознинг раиси С. Йўлдошева, донгдор механизатор, СССР Олий Советининг депутати М. Жалолов ва бошқа меҳмонлар қатнашдилар. Тўй тантанасида драматург Н. Солиев ва ёш шоир Тоштемиров Тошхон ва Салимжонга багишланган ўз шеърларини ўқиб бердилар.

Марказий Фаргонанинг кўп минг сонли меҳнаткаш хотин-қизлари Марказий Фарғонадаги барча ерларни тўлиқ ўзлаштиришда, янги суғориладиган ерларда экономика ва маданиятни ривожлаптиришда ўз ҳиссаларини қўшадилар.

Марказий Фарғонадаги янги ерларни суғориш ва ўзлаштиришда, қўриқ ўлка аҳолиси ғоявий-сиёсий савиясининг, маданият ва моддий фаровонлигининг ўсишида эришилган ютуқлар — партия ва ҳукуматнинг кундалик ғамхўрлигининг, ишчилар синфи ва колхозчи деҳқонлар фидокорона меҳнатининг, ленинча миллий сиёsat тантанасининг натижасидир. Марказий Фарғона, Мирзачўл ва Қарши чўлларини ўзлаштирувчиларнинг қаҳрамонона меҳнати адабиёт ва санъат арбобларининг асарларида куйлашга лойиқдир.

КПСС Программаси адабиёт ва санъат арбоблари олдига катта ва масъулиятли вазифаларни қўйди.

«Адабиёт ва санъатни ривожлантиришдаги бош йўл,— деб партия Программасида такидланади,— халқ турмуши билан алоқани мустаҳкамлашдан социалистик воқеликнинг бойликлари ва ранг-баранг томонларини ҳаққоний ва юксак бадиийлик билан акс эттиришдан, янги чинакам коммунистик воқеликни илҳом билан ва яққол гавдалантиришдан ҳамда жамиятнинг олга ҳаракат қилишига тўсқинлик қилувчи ҳамма нарсани фош этиб боришдан иборат»¹.

Ўзбекистонда қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш тажрибаси гоят катта халқаро аҳамиятга. айниқса оғир колониализм меросини енгиб, мустақиллик ва тараққиёт йўлига кирган Осиё ва Африка мамлакатлари учун жуда муҳимдир. Бу мамлакатлар ҳам ирригация ва су-гориш асосида ўз қишлоқ хўжаликларини ривожлантироқдалар, Совет Иттилоқининг тажрибасидан ва беғараз қардошлиқ ёрдамидан фойдаланмоқдалар. Ўзбекистонда қўриқ ерларни ўзлаштиришнинг бой тажрибаси собиқ мустамлака халқларига социализм ва коммунизм қурилиши йўлига кирган озод халқ қандай улуғвор вазифаларни ҳал қила олиши мумкинлигини кўрсатади. Жазоир Халқ Демократик Республикасининг Президенти, Жазоир Миллий озодлик фронти партиясининг бош секретари Аҳмад Бен Белла 1964 йил 1 майда Кремлдаги Съездлар саройидаги нутқида:

¹ КПСС XXII съезди материаллари. Госполитиздат, 1961, 420 б.

«...Бошқа мамлакатлар қаторида Ўзбекистонга қилган сафаримиз ғоят фойдали бўлди. Биз Ўзбекистонда Мирзачўл билан танишиш имконига эга бўлдик, Мирзачўл эндиликда чўлбиёбон бўлмай, балки маҳсулдор ерларга айланмоқда. Бу соҳадаги буюк тажриба халқи гизининг, сиз танлаб олган сиёсий йўлниг шуҳратини оширади», деди.

ПОРЛОҚ ИСТИҚБОЛ САРИ

Марказий Фарғона эга бўлган ғоят катта имкониятларни баҳолаш жуда қийин. Яқин келажакда 200 минг гектар ерга сув чиқарилиб, ҳар йили 300 минг тоннага яқин қўшимча равишда пахта етиштирилади. Тахминий ҳисобга кўра янги ерлардан ҳар йили 400 минг центнердан зиёд сут, минглаб пуд ғалла, 100 минг центнердан ортиқ гўшт, 500 минг килограммга яқин пилла, юз минглаб центнер сабзавот, мева, узум, полиз экинлари, дуккакли экинлар ва картошка олиш мумкин. Янги субориладиган ерларниг аҳамияги Фарғона водийси — пахтчилик интенсив ривожланган зона учун айниқса буюkdir. Тажриба шуни кўрсатадики, Марказий Фарғонанинг ўзлаштирилиши Фарғона водийсининг барча хўжаликларида тўғри, илмий асосланган алмашлаб экишни жорий қилишга имкон беради, водийнинг иқлим ва мелиоратив шароити яхшиланишига сабаб бўлади. Бундан ташқари Марказий Фарғонанинг ўзлаштирилиши меҳнат ресурсларидан рационал фойдаланишга ёрдам беради. Кўп колхозлар, ҳатто бутун районлар ўз ички хўжалик резервларини әмас, ҳатто қўриқ ер массивларини

ўзлаштириш имконига эгадир. Қорадарёда қурилган Кампирровот сув омбори соф ирригация хизматини ўтайдиган СССРдаги энг йирик сув омборларидан бири ҳисобланади, унинг ҳажми 1 миллиард 750 миллион кубометр. Кампирровот мавжуд суфориладиган ерлардан 207 минг гектарни ва қўриқ ерлардан 35 минг гектарни янгидан суфоришга имкон беради. Тахминий ҳисобга кўра, сув омбори зонасида бир йилда етишириладиган пахта 130 минг тоннани ташкил қиласди. Колхозларнинг соф қўшимча даромади 25 миллион сўмга ортади. Бундан ташқари, Марказий Фарғонани тўлиқ ўзлаштириш натижасида Фарғона водийсининг Ўзбекистон қисмидаги суфориладиган ерларни тахминан 20 процент кўпайтириш мумкин.

Марказий Фарғона қўриқ ерларининг аҳамияти мамлакатга қўшимча равишда бериладиган минглаб тонна пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан чекланмайди. Марказий Фарғона ўзлаштирилиши натижасида бутун Фарғона водийси тубдан ўзгаради. Чўлда янги колхоз ва совхозлар, обод посёлкалар, мактаблар, касалхоналар, болалар муассасалари вужудга келади, темир йўллар ва тош йўллар, электр линиялари ўтказилади. «Қўриқ ерларнинг ўзлаштирилганлиги совет халқининг буюк меҳнат жасоратидир, бу жасорат асрлар бўйи яшайди!»— деб ёзилган КПСС XXII съезди қарорида.

Марказий Фарғонани ўзлаштиришга ўз ҳиссасини қўшган ҳар кимса бундай юксак баҳо билан фаҳрланади, бу баҳо Марказий Фарғонани ўзлаштирувчиларни янги меҳнатга руҳлантиради.

МУНДАРИЖА

Марказий Фарғона ўтмишда	3
Қўриқ ерларни ўзлаштириш — умумхалқ ишидир.	8
Қишлоқ ватанпарварлари ҳиссаси	15
Колхозлараро Совет — қўриқ ерларни ўзлаштиришда колхозлар иштирокининг янги формасидир	20
Қўриқ ўлка колхоз ва совхозлари юксалиш йўлида	25
Интенсификациялаш йўлида	37
Қўрниқ ўлкаликлар моддий фаровонлиги ва маданиятининг кўтарилиши	43
Порлоқ истиқбол сари	55

Константин Макарович Наринский

ПРЕОБРАЖЕННАЯ ЦЕЛИНА

(Борьба трулящихся Узбекистана
за освоение целинных и залежных земель
Центральной Ферганы)

Перевод с издания издательство „Узбекистан“—1965—Ташкент

Таржимон Ҳамдам Азиз
Редактор З. Содикхужаева
Техн. редактор А. Бобохонов
Корректор М. Рахматова

Теришга берилди 5/IV-1965 й. Босишига рухсат этилди 13/V-1965 й.
Формати 70×90 1/32. Бос. л. 1,875. Шарт. бос. л. 2,19. Нашр. л. 2,07.
Тиражи 3000. „Узбекистон“ нашриёти. Тошкент, Навоний кўчаси, 30.
Шартнома № 27—65.

ЎзССР Министрлар Совети Матбуот Давлат комитетининг Ихти-
сослаштирилган харф терув фабрикасида терилиб, матрицадан
1-босмахонасида босилди. Тошкент, Ҳамза кўчаси, 21.
Зак. №573. Баҳоси 6 т.

Наринский К. М.

Яшнаган қўриқ. (Ўзбекистон меҳнаткаши-
ларининг Марказий Фарғонадаги қўриқ
ва бўз ерларни ўзлаштириш тажрибала-
ри). Т., «Ўзбекистон», 1965.
60 бет. Тиражи 3000.

Наринский К. М. Преображенная целина.

631

№ 373—65

Навоий иомли ЎзССР Давлат
кутубхонаси.